«Пудратчи»дан шартномада кўрсатилган ишларини кабул килиш комиссияси иштирокида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган холда кабул килиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини назорат килиш;

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. "Пудратчи" томонидан кечиктириб юборилган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган холларда, Пудратчи "Буюртмачи"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар бахосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажариш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

4.2. "Буюртмачи" бажарилган ишлар хакини ўз вактида тўламаганлик учун "Пудратчи" га ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

4.3. "Пудратчи" томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, "Буюртмачи" ишларни, хизматларни кабул килиш хамда уларнинг хакини тўлашни рад этиб, "Пудратчи" "Буюртмачи"га сифати, ишлар ва хизматлар киймагининг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

4.4. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки кисман рад этганлик, шунингдек хисоб-китобнинг бошка шаклларида ишлар, хизматлар хакини тўлашдан бош тортганлик (тегишли газначилик бўлинмасига тўлов топширикномасини ва бошка хужжатларни таклим этмаганлик ва хоказо) учун "Буюртмачи" "Пудратчи" га ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тўлайди.

## V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки кисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чикилади.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофик ўзгартирилиши ва бекор килиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро мухокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро мухокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун хужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро суди оркали хал этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.
7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси хам хукукий жихатдан тенг кучли хисобланади.
7.3. Шартномани амал килиш муддати 31 декабр 2022 йил.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

| «ПУДРАТЧИ» | «БУЮРТМАЧИ» |
|---|---|
| "Обод хонобод файз" МЧЖ | Хўжаобод тумани Хокимлиги |
| Манзил: Мархамат тум. Алтепа МФЙ | Манзил:Узун куча |
| Банк номи: Хамкор банк Мархамат фил | Банк номи: Марказий банк Тошкент ш ХККМ |
| х/р: 20208000200844071001 | шхв: 100022860032367013990018002 |
| МФО: 00070 ИНН: 305256864 | ИНН: 202098813 МФО: 00014 |
| | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги |
| | х/р:23214000300100001010 |
| | ИНН 201122919 МФО:00014 |
| Рахбар: ______ П.Абдусаломов | Рахбар: ______ У.Шукуров |

Юрист: ______ И Муйдинов

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 9921

*Хўжаобод тумани* «07» декабр 2022 йил

Ушбу пудрат шартномаси «*Буюртмачи*» деб аталувчи Хўжаобод туман хокимлиги ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари Ў.Шукуров бир томондан ва «*Пудратчи*» деб аталувчи "Обод хонобод файз" МЧЖ ва унинг номидан низом асосида иш олиб борувчи рахбари П.Абдусаломов иккинчи томондан амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «*Пудратчи*» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «*Буюртмачи*»нинг Хўжаобод тумани Гиргури мфй да ичимлик суви тармоги тортиш ишларини бажариб беради.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «*Буюртмачи*» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда) га асосан жорий нархларда **313 107 734 (Уч юз ўн уч миллион бир юз етти минг етти юз ўттиз тўрт)** сўмни ташкил этади. Шунда бюджет маблағлари хисобидан, бюджетнинг даромадини оширтириб бажарган қисмидан, эркин қолдиқ маблағлар хисобидан ёки захира маблағлари хисобидан тўловлар бажарилади

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил хисобланиб, фақатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор холатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик бўлимида рўйхатга олингандан сўнг 10 банк иш кунида «*Буюртмачи*» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизи тегишли бюджетдан маблағлар доирасида, олдиндан аванс тариқасида «*Пудратчи*»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 70 фоизи «*Пудратчи*» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.5. «*Буюртмачи*» охирги тўловни «*Пудратчи*» томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 10 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «*Буюртмачи*» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «*Пудратчи*»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «*Буюртмачи*»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб 10 кун муддат ичида ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 30 кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш хамда «*Буюртмачи*»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. «*Пудратчи*»нинг хуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс хақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда хисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «*Буюртмачи*»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида хақ тўлаш;

3.4. «*Буюртмачи*»нинг хуқуқлари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;